# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 122 (9.619) 2001 йил 19 октябрь, жума ◆ Сотувда эркин нархда


# ЯКУН ВА РЕЖАЛАР

## пойтахт фаолларининг йиғилиши

**Тошкент шаҳар ҳокимлигида пойтахт фаолларининг Президент Ислом Каримовнинг яқинда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалар ҳамда 2001 йилнинг 9 ойида пойтахтни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва йил охиригача бажариладиган вазифаларга бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.**

**Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими Рустам Шоабдураҳмонов бошқарди.**

Кун тартибида белгиланган асосий масала юзасидан Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, Иқтисодиёт ва статистика бош бошқармаси бошлиғи Нодир Хонов маъруза қилди. У хусусан, ҳисобот даврида пойтахтда иқтисодиёт ва унинг муҳим соҳаларининг ўсиш суръати, умумий макроиқтисодий мутаносиблик барқарорлигини таъминлашда изчил қадам қўйилганини таъкидлаб, саноатда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 109,9 фоизга, истеъмол моллари ишлаб чиқариш 105,3 фоизга, чакана савдо айланмаси ҳажми 5,3 фоизга, аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш 13,3 фоизга, маҳсулотлар ва хизматлар экспорти ҳамда капитал қўйилмаларнинг ҳажми 100,2 фоизга ошишига эришилганини айтиб ўтди.

Шу билан бирга йиғилишда ҳисобот даврида шаҳар хўжалигида таркибий ўзгаришлар жараёни ва иқтисодиётнинг айрим тармоқларини ислоҳ қилиш масалалари, шунингдек баъзи белгиланган дастурий тадбирларнинг бажарилиши тасдиқланган вазифалар ва белгиланган истиқбол кўрсаткичларга мос келмагани алоҳида қайд этилди. Афсуски, бу биринчи навбатда иқтисодиётнинг реал сектори — саноат корхоналарига тааллуқли бўлиб, ҳамон уларнинг кўпчилигининг молиявий аҳволи анча оғирлигича қолмоқда. Масалан жорий йилнинг 1 сентябрига 2159 қарздор корхона бўлиб, уларнинг қарзи 97,5 миллиард сўмни ташкил этган, 2503 та корхонанинг кредит қарздорлиги эса 137 миллиард сўмдан иборат бўлган. Ўз ўрнида бюджетга солиқлар бўйича қарздорликнинг ўсиши кузатилиб, у 13 миллиард сўмни ташкил қилган. Ушбу муаммо ишчи ва хизматчиларга ўз вақтида иш ҳақи тўланишига салбий таъсир кўрсатмай қолмаган, албатта. Фақат 164 та корхонанинг иш ҳақи бўйича қарздорлиги 1 сентябрга қадар 1,3 миллиард сўмни ташкил қилган.

Маълумки, II чақириқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Президент Ислом Каримов Тошкент шаҳрининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ривожланиши масалалари ҳақида сўз юритиб, шаҳар хўжалиги тармоқларини қиш мавсумига тайёрлаш бўйича алоҳида тўхталиб ўтганди. Бугунги кундаги бу долзарб масала юзасидан йиғилишда Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Абдуқаҳҳор Тўхтаев маъруза қилиб, ушбу масала бўйича барча тадбирлар тармоқ корхоналари томонидан белгиланган жадвалга мувофиқ ва мамлакатимиз раҳбари томонидан айтиб ўтилган камчиликларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилаётганини айтиб ўтди. Хусусан, 15 октябрдан пойтахтдаги соғлиқни сақлаш ва халқ таълими муассасаларида иссиқлик мавсуми бошланиб, бугунги кунга қадар уларнинг иссиқлик билан таъминланиши ўрта ҳисобда 80-85 фоизни ташкил этмоқда. 20 октябрдан бошлаб кўп қаватли уйларда истиқомат қилувчи аҳоли ҳам узлуксиз иссиқлик билан таъминланиши қайд этилди.

Йиғилишда шунингдек, шаҳарда жамоатчилик фаоллигини ошириш ва хавфсизлик, аҳоли осойишталигини барқарор таъминлаш масалалари ҳам кўриб чиқилди. Ушбу масала бўйича шаҳар ҳокимининг ўринбосари Р. Акромов маъруза қилди.

Кун тартибига киритилган масалалар юзасидан муҳокамада иштирок этган Акмал Икромов тумани ҳокими Абулқосим Маҳмудов, Бектемир тумани ҳокими Шукурилла Ҳикматов, Шайхонтоҳур тумани ҳокими Миркамол Одилов, шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиғи Алишер Исломов, «Маҳалла» жамғармаси шаҳар бўлими раиси Аъзам Гадойбоевлар жорий даврда қилинган ишлар натижалари билан қисқача таништириб, жойларда қишки мавсумга тайёргарликнинг бориши, юзага келган камчиликларни бартараф этиш, мавжуд муаммолар ечимини ҳал қилиш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Кўриб чиқилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Шаҳар фаолларининг йиғилишида Вазирлар Маҳкамаси ахборот-таҳлил бошқармасининг раҳбари Галина Саидова иштирок этди ва сўзга чиқди.

# Биз тинчлик истаймиз

**Муборак ТЕШАБОЕВА,**
**техника фанлари доктори, профессор:**

Ҳар бир одам ўзининг эртанги кунини ўйлаб, эртага ўзи ҳам, фарзандлари ҳам янада бахтли ва фаровон яшашини орзу қилади. Айниқса, биз оналар болаларимизнинг тинчлик-хотиржамликда, мусаффо осмон остида, тинч меҳнат қучоғида ҳаёт кечиришларини истаймиз. Лекин дунёда террорчи, одамфурушлар бор экан, юрагимиз таҳликада бўлиши мумкин экан. Ёвуз террорчиларнинг манфур қилмишлари шундан далолат бермоқда. Лекин биз ишонамизки бутун дунё нафратига дучор бўлаётган кимсаларнинг саноқли кунлари қолди. Биз уларнинг тез орада бу дунё юзидан умуман йўқ бўлиб кетишларига ишонамиз. Зеро, оналарнинг нияти ниҳоятда пок ва олижанобдир, дуолари эса жуда тез ижобат бўлгай.

* * *

**Ислом ЮСУПОВ,**
**фан номзоди:**

— Инсон яшар экан, нимадир янгилик яратсам, юртимга фойдам тегса, ундан фарзандларим фахрланиб яшаса деб эзгу ният қилади. Лекин дунёда шундай тоифа кимсалар ҳам бор эканки, улар кимга зарар етказсам, кимнинг ёстиғини қуритсам, қайси одамнинг дилини яраласам, кимнинг кулини кўкка совурсам дея жирканч мақсадларда яшайди. Ана шундай бадният, малъун кимсалар қаторига биринчи навбатда террорчилар киради.

Бугун ҳар биримиз уларнинг қилмишларини ўз кўзимиз билан кўриб, қалбимиз билан англаб турибмиз. Шунинг учун ҳам уларга нисбатан нафратимиз кучли. Ахир қон тўкиб, вайрон қилиб роҳатланадиган кимсаларни одам деб бўладими? Ана ўшаларни инсон болалари қаторига кирита оласизми? Шу боис ҳам улар йўқ қилиниши, дунё тинчлигига раҳна солаётган бундай разиллар таг-туги билан тугатилиши керак. Шунинг учун ҳам Афғонистон ҳудудида олиб борилаётган ҳарбий ҳаракатлар, терроризм ўчоқларининг яксон қилинаётгани, ушбу ҳаракатларни барча тинчликсевар кучлар қўллаб-қувватлаётгани аср вабосига қарши қаратилганлигини барчамиз тўғри англамоғимиз лозим.

Президентимиз ўз Баёнотларида ва Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги мухбири билан суҳбатида мамлакатимизнинг бу борадаги позициясини аниқ кўрсатиб бердилар. Тан олиш керак, бирдамликда ҳикмат кўп. Шунинг учун ҳам барча бирлашса терроризмдай офатнинг тугатилиши, яксон қилиниши аниқ. Бу кимнингдир ёки қайсидир давлатнинг вазифаси бўлмай, юртимда тинчлик, осойишталик бўлсин деган ҳар бир софдил инсоннинг бурчидир. Зеро шундай экан, ҳар биримиз атрофимизга зийракроқ боқайлик, ўз уйимизни, жондан азиз мустақил юртимизни ўзимиз асрайлик.

# ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

**КЕЧА**

II чақириқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг сессияси бўлиб ўтди. Унда 2001 йилнинг 9 ойида Тошкент шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда йил охиригача ҳал қилиниши талаб этилаётган вазифалар тўғрисида Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Нодир Хонов ахборот берди.

Сессияда айрим сайлов округларида бўшаб қолган ўринларга халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари сайловини тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилинди. Унга асосан сайловлар 2001 йил 25 ноябрда ўтказилади.

Шунингдек Тошкент шаҳар Кенгашининг сессиясида кун тартибига киритилган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди ва улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Сессияда Тошкент шаҳар ҳокими Рустам Шоабдураҳмонов сўзга чиқди.

## *ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИДА*

# Шаҳарни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва кузги кўчат экиш ойлигини ўтказиш тўғрисида

**Шаҳримиз ҳудудини Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллигини нишонлаш арафасида барпо этилган ободонлаштириш иншоотларини кўкаламзорлаштириш, янги дов-дарахтлар билан тўлдириш ҳамда кузги хазон-резгини ўз вақтида йиғиб олиш, уни ёнишга йўл қўймаслик ва 2001 йил кузги кўчат экиш бўйича бир ойлигини ўтказиш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокими пойтахтда 2001 йил 25 октябрдан 25 ноябргача ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва шаҳар ҳудудининг санитар ҳолатини яхшилаш бўйича ойлик ўтказиш ҳақида қарор қабул қилди.**

Унга мувофиқ ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва санитар ҳолатини яхшилаш ойлигини ўтказиш бўйича шаҳар ҳайъатининг таркиби ва кўчат экиш дастури тасдиқланди.

Туман ҳокимликлари, бош бошқармалар, трестлар, корхона ва ташкилотлар зиммасига меҳнат жамоаларини ҳамда маҳалла ва мавзелар аҳолисини ойлик мобайнида бириктирилган ҳудудларни тозалаш, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларига жалб этиш;

туман ободонлаштириш бошқармалари зиммасига эса Тошкент шаҳар ҳудудида тўкилган дарахт баргларини йиғиб, махсус ажратилган жойларда компост қилиш ишларини бажариш вазифаси топширилди.

Ихтисослаштирилган суғориш, кўкаламзорлаштириш ва гидротехник иншоотлар трести Ўзбекистон Республикасининг 10 йиллигини нишонлаш арафасида барпо этилган жабҳалардаги кўкаламзорлаштириш ишларини лойиҳага асосан охирига етказиши лозим.

Тошкент шаҳар Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси зиммасига шаҳар ҳудудида экилган ўз манзарасини йўқотган, зараркунандалар билан зарарланган ҳамда аҳоли зич яшаётган ҳудудларда баҳор мавсумида гуллаганда момиқ чиқарадиган терак дарахтларини далолатномалар асосида олиб ташлаш вазифаси юклатилди.

# Академик Маҳмуд Мирзаев номини абадийлаштириш тўғрисида

Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 17 сентябрдаги «Р. Шредер номидаги узумчилик ва боғдорчилик илмий текшириш институтининг 100 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги 375-сонли қарорининг 4-бандига асосан ҳамда Юнусобод тумани ҳокимлигининг таклифини инобатга олиб Юнусобод тумани ҳудудидаги Деҳқонобод кўчаси қайта номланиб, унга Академик Маҳмуд Мирзаев кўчаси номи берилсин.

Юнусобод тумани ҳокимлиги зиммасига мазкур кўча ўзгариши билан боғлиқ тегишли ишларни 15 кунлик муддат ичида амалга ошириш ва ушбу ўзгариш ҳақида барча тегишли ташкилот ва муассасаларни хабардор этиш вазифаси топширилди.

# XXI аср садоси

**Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар**

## Мамлакатимизда

● **Кеча** Олий Мажлиснинг Иқтисодиётни ислоҳ қилиш масалалари ва тадбиркорлик қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палаталари тўғрисида»ги Қонуннинг ҳамда қўмитанинг 2000 йил 30 октябрда қабул қилган қарорининг Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси томонидан ижро этилиши ҳақидаги масала кўриб чиқилди.

● Олий Мажлиснинг қонунчилик суд-ҳуқуқ масалалари ҳамда Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмиталари қўшма йиғилишида Олий Мажлис томонидан 1997 йил август ойида қабул қилинган жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастурининг Наманган ва Самарқанд вилоятларидаги ижроси муҳокама этилди.

● Корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича ҳукумат комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди.

● Тошкентда вилоят фаолларининг йиғилиши бўлди. Йиғилишда 2001 йилнинг тўққиз ойида вилоят иқтисодий-ижтимоий ривожланишининг якунлари ҳамда иқтисодий ислоҳотларнинг бориши тўғрисида, кузги-қишки мавсумда иқтисодиёт тармоқларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш, қишлоқ хўжалик ишларининг бориши ҳақидаги масалалар муҳокама этилди.

● Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг матбуот марказида жаҳоннинг деярли 50 мамлакатидан ташриф буюрган хорижий журналистлар билан учрашув бўлиб ўтди. Ўзбекистон ва Афғонистон чегаралари ва Термиздаги вазият билан танишган хорижий журналистлар у ерда тинчлик ва хотиржамлик ҳукм сураётганига ишонч ҳосил қилдилар.

● Ўзбекистон мусулмонлари идорасида муфтий Абдурашид Қори Баҳромов АҚШнинг мамлакатимиздаги элчиси Д.Хербст билан учрашди. Самимий суҳбат чоғида элчи 11 сентябрдаги қўпорувчилик ҳаракатлари муносабати билан ҳамдардлик билдирган ва халқаро терроризм билан курашда қўллаб-қувватлаётгани учун Ўзбекистонга миннатдорчилик билдирди.

## Жаҳонда

● Америка ҳарбий ҳаво кучлари Афғонистондаги толибларнинг ҳарбий истеҳкомларига зарба беришни давом эттирмоқда. Хабарларга кўра **бугун** тонгда Қандаҳор яна бомбардимон қилинган. **Кеча** эса ҳарбий ҳаво кучлари Қобул, Жалолобод, Қандаҳор ва Мозори Шарифни нишонга олган эдилар. Афғонистоннинг шимолидаги Мозори Шариф ҳудудида толиблар ва уларга қарши турган Шимолий Альянс кучлари ўртасида қаттиқ жанглар олиб борилмоқда.

● Австралия бош вазири Жон Ровард ўз мамлакатини АҚШ етакчилигидаги терроризмга қарши кураш халқаро коалицияга қўшилишини маълум қилди.

● Яқин кунларда Германия ҳам терроризмга қарши кураш халқаро коалицияга қўшилади, деб хабар тарқатди «Рейтер» ахборот агентлиги.

● «Франс-Пресс» агентлигининг хабар беришича, «Қора сешанба» фожиаларидан сўнг Пентагон мулозимлари 30 минг нафарга яқин америкалик кўнгиллиларни мамлакат қуролли кучлари сафига ёллаган.

● Яман ҳукумати «Ал-Қоида» ташкилоти билан алоқадорликда гумон қилинаётган маҳаллий «Ан-Нур» ҳамда «Аш-Шифо» компанияларининг банкдаги ҳисоб рақамларини ҳаракатдан тўхтатди.

● Украина ҳукумати виза бериш масаласига алоҳида назорат билан ёндошмоқда. Украина ташқи ишлар вазирлиги вакилининг баёнот беришича, Яқин Шарқ ва Жанубий Африка фуқаролари визага эга бўлиш учун вазирликнинг консуллик хизматидан рухсатнома олиши шарт қилиб қўйилди.

● Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар молия вазирлари халқаро терроризмга қарши курашиш лойиҳаси асосида ушбу гуруҳларнинг молиявий таъминотларига чек қўйишга оид битимга келишишди.

● Сайёҳлик вазири Рехавам Зеевининг тасодифий ўлимидан сўнг, Исроил Бош вазири ўз аскарлари томонидан қамал қилинган Фаластин ҳудудларини ташлаб чиқиб кетилишини рад этди. Вазирга «Хайатт» меҳмонхонасига кираётганида суиқасд уюштирилди ва у боши ҳамда бўйинидан яраланиб, касалхонада вафот этди.

### ДОНИШМАНДЛАР ХАЗИНАСИДАН

**НОДИР**

# ОЛТИНЧИ ГУЛШАН

Фаридун ҳашаматли, Искандар савлатли, адолатли шоҳ бор эди. Унинг пойтахти Гулистон шаҳри бўлиб, бахт-иқболга ҳамоҳанг эди. У ажиб жаннат янглиғ шаҳар бўлиб, барча халқи соҳиб камолат эди. Унинг Эрам боғидек гулзору бўстонлари бор эди. Неча-неча шаҳарлар унга тобеъ эди. Шоҳнинг барча кори бори адолатпешалиғ бўлиб, унинг ҳукми бир йиллик масофада жорий эди. Жаҳон ичра саховатпеша, улус ҳақида яхши андешалик эди. Бироқ, у фарзандсиз бўлиб, шу боис ғам-андуҳга ҳамроҳ эди. Фарзандга кеча-кундуз эҳтиёжманд бўлиб, фикру хаёли мулкига соҳиб бўлгудек бир посбон талабида эди. Оллоҳ-таолло иноятн билан фарзандлик бўлди. Ўғилнинг юзи шарқдан чиққан қуёшдек, чиройи боғи Эрамдан келган паридек эди. Уни кўрган одам, ажабо юлдуз узилиб ерга тушибдими ёки Юсуф иккинчи марта оламга келганмикин, деб ўйларди. Унинг номини Хуршид деб атадилар. Шоҳ шод-ҳуррам бўлиб, хазина эшигини очиб, ҳаммага эҳсон улашди. Шоҳ барча мунажжимларни йиғиб, фарзандим толеъидан хабар беринг, унинг толеъи нахсми ёки яхшими, келажакда унинг аҳволи қандай бўлади? Тахтим узра маскан қурадими ёки ёшликда оламдан ўтадими? Ёки мусофирликда овора бўлиб, ғариблик ичра бечораҳол бўлурму? Мунажжимлар ўша заҳоти қўлларига қуръонни олиб, толеъ зарби ила тақсимга солиб, ҳар бир нуқтани пухта изоҳлаб, сўзга кирдилар.

— Эй шаҳаншоҳи замона — дедилар — сенга абадий бахт-иқбол юз бермиш. Бу ўғлинг сенга муборак бўлғай, унинг бошидадир тожу давлат. Бироқ, икки орага фироқ тушадур. Худонинг тақдирига ҳеч чора йўқдур. Мусофир бўлғай ўн икки ёшида, не ишлар тушгай унинг бошига. Бировнинг мулкига подшоҳ бўлғай, аммо сенинг ундан хабаринг бўлмайди. У ўттиз йил даврон сургач Ҳалаб шаҳрини ўз тасарруфига киритади. Шундан сўнг сен билан дийдор кўришиб, қолган умрини Гулистонда ўтказади ва сенинг тахтингга соҳиб бўлур.

Шоҳ бу сўзлардан ҳайрон бўлиб, паришонхотир бўлди. Тангрининг ишига ҳеч нарса қилиб бўлмайди — дедилар мунажжимлар. Уларнинг сўзи шоҳга маъқул бўлиб, яна адолат мезонига машғул бўлди. Шоҳнинг Доно исмли вазири бўлиб, ундан бир фарзанд вужудга келган эди. Унинг исмини Аторуд деб атаган эдилар. У ҳам шоҳ ўғли туғилган тунда таваллуд топган эди. Иккаласи ҳам ўн икки ёшга кирди. Уларни мактабга бердилар. Улар бир-бирига ҳамдам, шоду ҳуррам эдилар. Улар худди икки юлдуз бир-бири билан жипслашгандек, кеча-кундуз бир-биридан ажралмас эдилар. Муаллим ҳар иккаласига таълим бериб ва ниҳоят ҳисоби абжад тахтасини машқига солди.

Бу шаҳарда бир бева хотин яшарди. Унинг ўтиргудек уйи, егудек озиқ-овқати йўқ эди. Унинг бир ўғли бўлиб, у ҳам ушбу мактабда таълим оларди. У онасининг яккаю ягона фарзанди, кўрар кўзи, жонининг сурури эди. Бир кун вазирнинг ўғли ғурурга йўл бериб, тасодифан бева ўғли билан урушиб, муштлашиб кетди. Шу пайт шаҳзода олдидаги тахтачани олиб боланинг бошига урди. Қаттиқ зарбнинг оқибатида бола беҳуш бўлиб йиқилиб, тезда оламдан ўтди. Бу машъум хабарни шу заҳоти онаси эшитиб, ёқасини чок этиб, бошига қора солиб - мотам тутди. Юзини тирноғи билан тирнаб — жароҳатлаб, шоҳ олдига бориб, «ўғлингдан дод устига дод» — деб, фарёд қилди. Бу дунёда менинг додимга етгин, адл мақомини тутиб, фарёдимга етгил! Шоҳ можародан ҳайрон бўлар, аммо қиёмат кун жазосидан қўрқарди. Шоҳ деди: эй бева хотин, арзинг недур айтгил! Эй шоҳ, ўғлинг менинг ўғлимни уриб ўлдирди, адолат қилиб қасосимни бермасанг, тонгла қиёматда худо қози бўлғай! Бу оламдан алам билан ўтарман, қиёмат куни этагингдан тутарман — деди бева.

Шоҳ барча аҳли уламою фузалони йиғиб, улардан бу муаммонинг йўл-йўриғларини сўради. Эй диёнатли шоҳ — дедилар, бу борада қасосга розилик билан ҳақ тўламоқлик фарздир. Шариат ҳукми ана шундай жорий қилинғондир! Бу сўзни эшитгач, шоҳнинг ихтиёри қўлидан кетиб, бевага деди: юз минг дирҳамни берай даъвойингдан кечгил! Бева деди: эй шоҳи жаҳонгир, бу сўз билан дилимни оғритма! Агар тожу тахтингни, иқбол ила бахтингни, барча сийму заррингни, ҳатто мамлакатингни берсанг ҳам буларни бошимга ураманми? Талабим фақат ўғлим ўрнига ўғлингни бергин! Недурки мен фарзанд доғида куйсаму, шоҳ фарзанди билан шод-хуррам бўлса. Бу ишга мен ҳаргиз рози масман — деб, яна оҳи жигарсўз тортди.

Шоҳ ўз ўғлини бева қўлига топширди. Бева уни ўлдирмоқ учун қўлига ханжар олди. Беванинг бу ҳаракатини кўрган аъёнлар фиғон чекиб, сен эй бева бу ишинг билан шоҳнинг дилига доғ солма, бугун шаҳзодани сендан тилаб олайлик-да, сенинг хоҳишингга мувофиқ бир иш қилайликки, шаҳзода ҳам ота-онасидан жудо бўлиб, яна қариндош-уруғларидан бегона бўлсин! Ота мулкидан йироқлашиб, ота билан ўғил ўртасига фироқ тушгай. Унинг юзини ҳаргиз кўрмагайсан, то тирик жонсан ҳасрат ўтида куймагайсан. Бу сўзлар бева хотинга маъқул бўлди, аммо шу заҳоти шаҳзода она юртидан иҳрож (чиқармоқ) қилинди. Бу билан беванинг кўнглини овлаб, шаҳзодани шаҳардан қувладилар. Шаҳзода бошига мусибат тушиб, борарга йўл тополмай овора бўлди. Шоҳ эса адолатни мезон қилиб, умрининг мевасидан ажради. Қиёмат ваҳмидан қўрқиб, ажойиб мевасин поймол қилди. Бу мева тожининг гавҳари эди. Шоҳ бошидан тожни олиб ерга урди, оҳу нола хирмонини кўкка совурди.

Фитнанинг сабабчиси бўлмиш вазирнинг ўғли Аторуд бу ишлардан хабарсиз эди. У ўзига-ўзи дерди: бу касофат мен туфайли содир бўлди-ю нечун шаҳзода айбдор бўлур — деб, этагини белига боғлаб, йўлга тушди. У шаҳзоданинг орқасидан бориб, унга етиб олди ва иккиси бир-бирини қучиб, кўп йиғлашди. Иккови кўп шаҳру, неча тоғ ва неча даштларни кезиб сайр қилдилар. Ота мулки ҳудудидан чиққач, неча кунлар хавф-хатарсиз йўл юрдилар. Ниҳоят, бир биёбонга йўлиқдиларки, шамоли аждарҳонинг дамидек, ҳавоси камбағалларнинг ғамидек, гиёҳлари чаённинг ништаридек, суви эса овораларнинг кўз ёшидек эди. У ерда ҳатто девлар ҳам макон тутмас эди. Чунки тўрт томон чўл-биёбондан иборат эди. Бу биёбоннинг ҳудуди йигирма кунлик йўл бўлиб, ҳавоси гармсел эди. Агар бу биёбонга Мажнун кириб қолгудай бўлса, чиқиб кетолмай водийда сарсон-саргардон бўларди.

**Турғун ФАЙЗИЕВ тайёрлаган.**

**(Давоми бор).**



**Пойтахтимизда олтин куз.**

## Сўранг, жавоб берамиз

***Мен Тошкент шаҳрида тураман. Қўшни Республикадан уйланганман. Биринчи фарзандимни хотиним онасиникига борган вақтда туғилганлиги сабабли гувоҳномани ўша ердан олган эдик. Тошкентга олиб келганимдан сўнг ўзим турадиган жойга рўйхатдан (пропискага) ўтказмаган эдим. Мана энди болага бериладиган нафақани ололмаймиз. Ҳозир уни рўйхатга қўйсам, ўтиб кетган ойлар учун (1,5 йиллик) болага бериладиган нафақани олишга ҳаққим борми?***

***Ж.Илёсов.***

Сиз ўзингиз яшаб турган туман ИИБ паспорт бўлимига мурожаат қилиб хотинингизни 6 ойгача муддатга рўйхатдан ўтказиб, кейин уни 5 йил муддатга доимий рўйхатдан ўтказишингиз мумкин эди, лекин сиз мана шу 1,5 (бир ярим) йил ичида хотинингизни ҳам, фарзандингизни ҳам рўйхатдан ўтказмагансиз.

Сиз фарзандингизни уйингизга рўйхатдан ўтказишингиз шарт ва ундан кейингина нафақа олишингиз мумкин. Шунинг учун ҳам сиз ўзингиз яшаб турган туман ИИБ паспорт бўлимига мурожаат қилинг.

* * *

***Мен ўзимга тегишли бўлган хонадонимни набирамга совға қилиб ўтказиб бермоқчи эдим, бу масалада кимга ва қаерга мурожаат этишим керак?***

***М.Усмонов.***

— Сиз ўзингизга тегишли бўлган хонадонни набирангизга совға қилмоқчи бўлсангиз бу иш бўйича ўзингизга яқин бўлган нотариал идорага мурожаат этиб ҳадя шартномасини расмийлаштиришингиз мумкин, қўшимча маълумотларни эса ўзингиз мурожаат қилган нотариал идора ходимларидан олишингиз мумкин.

* * *

***Биз яшаб турган ҳовли-жой бувамизнинг (отамнинг отаси) номида. У киши 1958 йили, отам эса 1994 йили вафот этганлар. Мерос расмийлаштириш бўйича керакли ҳужжатларни, отамнинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаларни ҳеч ҳам топишнинг иложи бўлмаяпти, Тошкент шаҳар ЗАГС архивидан ҳам ҳеч қандай ҳужжат топилмади. Бу борада нима маслаҳат бера оласиз?***

***Б.Ғаниев.***

Сиз бу масала бўйича «қариндошлик фактини тасдиқлаш» ҳақида туман фуқаролик ишлари судига мурожаат этиб, ўзингизнинг ишингизни ҳал этишингиз мумкин.

* * *

***Кимгадир ўз исми ёки фамилияси улғайганидан кейин ёқмай қолса, уни ўзгартириш мумкинми? Ахир шундай воқеалар бўлади-ку, ҳаётда...***

***С.Мардонова.***

Бу ҳақда Кодексимизнинг 226-моддасида алоҳида қайдлар бор. «Фамилия, исм ва ота исмини ўзгартириш ҳақидаги аризалар ариза берувчи ўн олти ёшга тўлгандан кейин у яшаб турган жойдаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи томонидан кўриб чиқилади. Фамилия, исм ва ота исмини ўзгартириш тўғрисидаги хулоса ички ишлар органлари томонидан ушбу шахс тегишлича текширувдан ўтказилганидан кейингина тузилиши мумкин» дейилган ушбу моддада.

* * *

***Мен 2000 йилнинг охиригача боқувчисини йўқотганлик нафақасини олаётган эдим. Яқинда турмуш қурдим. Нафақа олишим давом этадими?***

***А.Илҳомова.***

Боқувчиси вафот этганлиги сабабли тайинланган нафақани олиш ҳуқуқи уни олаётган шахс (эр ёки хотин) янги никоҳдан ўтгандан кейин ҳам сақланиб қолади.

**Жавоблар Юнусобод туман 6-Давлат нотариал идораси нотариуси Икромжон ИСМОИЛОВ ва таҳририят ходимлари томонидан тайёрланди.**

* * *

**Ҳурматли ҳамшаҳарлар! Ўзингизни қизиқтирган масалалар юзасидан 132-11-39 телефонига қўнғироқ қилсангиз малакали мутахассислар ёрдамида саволларингизга батафсил жавоб беришга ҳаракат қиламиз.**

## Бу ажиб дунё

### Чақалоқ учун бир туп дарахт

Италия парламенти дунёда биринчи бўлиб ажойиб қонун қабул қилди. Эндиликда оилада фарзанд туғилиши билан ёки чақалоқ туғилган йилнинг 12 ойи давомида бир туп дарахт ўтқазилиши шарт ва бу албатта, маъмурият рўйхатидан ўтказилиши керак. Бу ишни янги қонун талаб этади ва шу қонунга асосан дарахт муҳофаза қилинади. Рўйхатдан ўтган кўчатлар ўрмон хўжалиғи ихтиёрида бўлади.

### Кичкина ҳам, дароз ҳам олинмайди

Италия ҳукуматининг янги декретида кўрсатилишича, қуруқликдаги ҳарбий-ҳаво қўшинларида ва флотда хизмат қиладиган зобитларнинг бўйлари 165 сантиметрдан кам бўлмаслиги, карабинчиларнинг команда таркиби учун эса 170 сантиметр бўлиши айтилган. Италия қўшинларида икки метрли дарозлар ҳам хизмат қилишолмайди. Зобитларнинг бўйлари 195 сантиметрдан юқори бўлмаслиги лозим.

### Тезроқ харид қилсангиз нархи пасаяди

Париждаги аёллар пойабзаллари дўконларидан бирида қизиқарли янгилик пайдо бўлди. Бундан буён харид қилаётган буюмлари учун 10 дақиқадан кам вақт сарф этган харидорга шу буюмнинг нархи 10 фоиз камайтириб сотилади.

### Энг зарарли мавжудот — ким?

Америкадаги ҳайвонот боғларининг бирида ғалати нарсага кўзингиз тушади. «Ушбуни яхшилаб кўрмасдан туриб, бошқа нарсаларга қарашнинг асло қизиғи йўқ!»

Албатта, ёзувни ўқиб, боққа келувчилар беихтиёр ўша плакат томон одимлайдилар. Унда: «Сиз ойнага қараб сайёрадаги энг зарарли мавжудотни кўриб турибсиз. У ҳеч нарса барпо этмасдан туриб, ҳамма нарсага қирон келтирмоқда. Хайриятки, у ҳали ҳамма нарсани йўқ қилиб ташлашга муваффақ бўлолмади. Сиз ҳозир ана шу сақланиб қолган ажойиботларнинг гувоҳи бўласиз. Энди эй, инсон, бор, ҳаммасини кўр ва ўйла!» деб ёзилган.

### Тез оммалашган сартарошхона

Парижда ажойиб сартарошхона мавжуд. Кўплаб сартарошлар иш вақтида ўз мижозлари билан гаплашишни ёқтиришмайди, айримлари эса аксинча кўп гапиришади. Мижозлар ҳам худди сартарошларга ўхшаб икки тоифа. Шунинг учун ҳам салон эгаси камгапларга алоҳида ва сергап, спорт, сиёсат, оилавий аҳвол билан қизиқувчи, ёлғон-яшиқлар ишқибозларига атаб эса алоҳида хоналарни жиҳозлаган. Мана шу ишлар туфайли сартарошхона ҳозир жуда оммавийлашиб кетган.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА тайёрлади.**

## Шарқ дурдоналари

# Ўз-ўз ўрганиш доно бўлур...

● Ёмонлик қилган кишидан ўч олиш қўлдан келса ҳам, унинг қилган ёмонлигини кечириш эзгу хулқларнинг кўркамроғидир.

● Бировдан ҳаё, уят кетса, ҳаё ўрнини бало олади.

● Ҳеч бир сабабсиз кулиш нодонлик аломатидир.

● Тўрт нарса тўрт нарсага муҳтож, яъни улуғлик — адабга, шодлик — хотиржамликка, яқинлик — муҳаббатга ва ақл — тажрибага муҳтождир.

● Бир донишманд ўз ўғлига насиҳат қилиб айтади:

— Икки нарсани мендан ол, сенга керак бўлади: биринчиси, нимани сўзламоқчи бўлсанг, ўйламасдан сўзлама, иккинчиси, нима қилмоқчи бўлсанг тадбирсиз қилма.

● Афлотун ҳаким айтади:

— Агар душманинг бирор иши тўғрисида сендан маслаҳат олмоқчи бўлиб ёнингга келса, унга тўғри ва яхши маслаҳат бер. Ёмон маслаҳат бериб ундан ўч олишни асло кўнглингга келтирма. Унинг сендан маслаҳат сўраб келиши сен билан ошно бўлишни истаганидир. Инсонга лойиқ бўлган хайрихоҳлик шудир.

Байт:

**Кимки бўлса хуш чирою хушқилиқ,**
**Доимо кўргай жаҳонда яхшилик.**

● Боболаримиз: «Бировга чоҳ қазисанг, ўзинг йиқиласан» деб бежиз айтмаганлар. Бировга ёмонлик қилган киши тезда жазосини кўради.

ҲИКОЯТ. Қадим замонда ҳасадчи бир бой одамнинг камбағал, лекин ўзининг хулқ-атвори туфайли халқнинг ҳурматига сазовор бўлган қўшниси бор эди. Қўшнисининг халқ қошидаги иззат ва ҳурматини кўролмайдиган ҳасадчи нобакор бой у бечорани ўлдирмоқчи бўлди.

Бир куни ҳалиги қўшни қишлоққа бормоқчи бўлиб отланган эди, ҳасадчи бой дарҳол ҳолва пиширтирди ва унга ўткир заҳар аралаштирди. Кейин иккита нон билан бирга камбағал қўшнисининг қўлига бериб айтди:

— Қўшни, қишлоққа бормоқчи бўлганингизни эшитдим, сизга раҳмим келиб, дарҳол ҳолва пиширтирдим. Иккита нон билан бирга ҳолвани сизга келтирдим, йўлда қорнингиз очиққанда бир ерга ўтириб тановул қиларсиз.

Камбағал қўшни бойнинг келтирган ҳолва билан нонини олди. Қўшни ҳасадчи малъун бойга миннатдорчилик билдириб, йўлга тушди. Ярим йўлга етганда сув бўйида ўтирган икки йигитни кўриб қолди. Бу йигитлар сув бўйида дам олиб ўтирган эдилар.

Камбағал қўшни улар ёнига келди. Йигитларнинг очиққанларини сезиб ҳолва билан иккита нонни уларга тақдим этди. Йигитлар ҳолвани едилару, дарров жон бердилар. Камбағал қўшни бу ҳолни кўриб, хайратда қолди. Қолган нон билан ҳолвани олиб орқага қайтди. Дарҳол шаҳар бошлиғига бориб ҳолва билан нонни берди ва бўлган воқеани баён қилди.

Шаҳар бошлиғининг буйруғи билан иккита йигитнинг жасадини келтирдилар. Кейин шаҳар бошлиғи ҳасадчи бойни чақиртириб унга ҳолва, нон ва икки йигитнинг жасадларини кўрсатди. Ҳасадчи бой йигитларнинг жасадларини кўргач, ёқасини йиртиб дод деб йиғлаб ўликлар устига ўзини ташлади. Бу йигитлар ўша нобакор, ҳасадчи бойнинг ўз ўғиллари эдилар. Шундай қилиб, бировга чуқур қазиган бой ўз чуқурига йиқилди.

Байт:

**Ҳар кишиким бировга қазғай чоҳ,**
**Тушгай ул чоҳ аро ўзи ногоҳ.**

ҲИКОЯТ. Ёмон феъл-атворли бир одам олим, фозил одамнинг мажлисида ярамас ва куракда турмайдиган сўзлар сўзлашга киришди. Мажлисда ўтирганлар уни чиқариб юбормоқчи бўлдилар. Фозил киши уларнинг фикрини қабул қилмади, у кишини ёнига олиб, кўп маслаҳат қилди, ёмон ҳаракатлардан тийди.

Эртаси кун у киши олим-фозилнинг ҳузурига келиб, узр айтди. Бундан кейин ножўя иш ва ҳаракатлар қилмасликка ваъда берди. Олим мулойим сўзлар айтиб, унинг узрини қабул қилди. Ҳар ким қилган ишига пушаймон қилиб узр айтса, узрини қабул қилиш лозимдир.

# ТИЛ БИЛГАН — ЭЛ БИЛАДИ

**Кунларнинг бирида бир тилшунос олим кемада сафарга чиқибди. У дарғадан: — Сарфу наҳвни (тилшунослик) биласанми? — деб сўрабди. Дарға бу борада ҳеч нима билмаслигини айтибди. Тилшунос унга жавобан: — Эсиз, ярим умринг бекор ўтибди, — дебди. Шу пайт бўрон туриб кема сувга ғарқ бўла бошлабди. Дарға олимдан: — Сузишни биласанми? — деб сўрабди. Олим сузишни билмас экан. Дарға унга: — Эсиз, бутун умринг зое кетибди, — дебди.**

Бу бир ривоят. Аммо унинг замирида ҳақиқат асослари бор. Чунки киши жамиятда яшар экан, у тил воситасида мулоқот қилади, алоқа аралашувида қатнашади, ўз фикр-мулоҳазаларини, ҳис-туйғу ва истакларини тил орқали етказади. Чиройли сўзлаш, таъсирчан нутқ эгаси бўлиш учун эса тилшунослик билимларидан хабардор бўлиш керак.

Дунёда неча хил тил бор биласизми? Дунёдаги 6 миллиард инсон 2976 хил тилда сўзлашар экан. Шулардан жаҳондаги кўплаб давлатлар ўз давлат тилига эгадир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 4-моддасида ўзбек тилининг давлат тили эканлиги белгилаб қўйилган. Ўзбекистонда 14 миллион халқ шу тилда сўзлашади ва уни ўз она тилим дейди. Бундан ташқари республикамизда 60 дан ортиқ халқ ва элатлар яшайди. Уларнинг тили, урф-одатлари, анъаналари давлат томонидан ҳимоя қилинади.

«Тил билган эл билади», дейди халқимиз. Ўз она тилини яхши билган, уни ҳурмат қилувчи киши ўзга тилни ва халқни эъзозлай билади.

Ривоят қиладиларки, бир куни турк (ўзбек), форс, араб, юнон йўлда кетишаётса, биров уларга бир танга берибди. Улар тангани олиб бозордан егулик харид қилишмоқчи бўлибдилар. Тўртови ўз тилларида истакларини айтибди. Форс «ангур» оламиз деса, араб «эйнаб» дебди, турк (ўзбек) «узум» деса, юнон «стафиль»ни мақтабди. Бу баҳс устига келиб қолган доно киши уларни бозорга олиб бориб айтган нарсаларини кўрсатибди. Тўртовлон ҳам ўз тилларида «узум» деяётган эканлар...

Ўзбек тилига Давлат мақомининг берилиши бу тилимизнинг асрий тушовлардан озод бўлиши, софлиги ва озодлиги, ривожланишига омил бўлди. Истиқлол шарофати билан турли ўқув муассасаларида давлат тили билан бир қаторда турли хорижий тилларнинг ўргатилиши ўша халқлар билан биродарлик муносабатларининг ўрнатилишига замин ва республикамиз тараққиётининг асосий шартларидан биридир.

**Дилдора АБДУЛЛАЕВА,**
**ЎзРФА тил ва адабиёт институти кичик илмий ходими.**

## БЎШ ВАҚТИНГИЗДА

# «Д» ҳарфли бошқотирма

**Ейлар бўйича:** 1. Доира шаклида тузилган саф. 2. XVIII аср француз файласуф адиби. 3. Ҳарир газлама. 4. Модданинг муайян микдорини ўлчаш асбоби. 5. Бинокорлик ашёси, тоғ жинси. 6. Яманда пул бирлиги. 7. Хона жиҳози, мебель. 8. Портловчи модда. 9. Алишер Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достони қаҳрамони. 10. Фикр ва мулоҳазани тасдиқловчи асос, исбот. 11. Автомобиль русуми. 12. Ҳиндистондаги йирик кўмир ҳавзаси. 13. Биринчи бўлиб назмий «Шоҳнома» ёзган X аср ўзбек шоири. 14. Ўзбекистондаги шаҳар. 15. Давлатнинг бош идораси. 16. Кишининг ўз қўли билан ёзилган хат. 17. Беморга тиббий ёрдам кўрсатиш. 18. Бангладеш пойтахти. 19. Тутқич. 20. Таомга лаззат берувчи моддалар мажмуи. 21. Автомобилни таъмирлашда фойдаланиладиган асбоб. 22. Итальян мумтоз шоири. 23.Европадаги давлат. 24. Бирор фаолиятга ундаб берилган маслаҳат. 25. Металл, ёғоч ашёларга ишлов беришда ишлатиладиган қурилма. 26. Тоғликдаги ўтиш қулай бўлган жой. 27. Қадимий ёзув анжоми. 28. Машғулотга қатнов ҳисоби. 29. Олиб борилган фаолиятдан олинган наф, фойда. 30. Мевали дарахтнинг «онаси». 31. Беморга дорини белгиланган қабул қилиш меъёри. 32. Сенегал давлати пойтахти.

**Муаммонома**

**Очқич сўзлар:** 1. Мусулмон оламининг буюк муҳаддиси таърифини олган ватандошимиз — 14, 2, 9, 5, 18, 3, 10.

2. Ўзбек шоири Чустий достони — 20, 3, 10, 3, 20, 4, 5, 11, 7.

3. Узун оёқли қушлар туркумининг қарқаралар оиласига мансуб парранда — 16, 7, 19, 19, 2, 6.

4. Марказий Осиёдаги тарихий вилоят — 13, 15, 8, 17.

5. Манзарали ўсимлик — 12, 2, 1.

Энди шакл атрофидаги рақамларни очқич жавоблари асосида ҳарфлар билан алмаштириб муаммономани ҳал этинг. Улардан ҳикматли сўз ва унинг муаллифи бўлган ўрта аср алломасининг исм шарифини билиб оласиз.

**Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ**



**Газетанинг шу йил 12 октябрда берилган бошқотирманинг жавоблари:**

**Белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида:** 2. Юнусобод. 4. Ҳаваскор. 5. «Дилҳирож». 8. Усмонова. 9. Ҳайдаров. 12. Мажлисий. 15. Деҳлавий. 16. Бурхонов.

**Ейлар бўйича:** 1. Далв. 3. Сули. 6. Сато. 7. Лавҳ. 10. Амал. 11. Асад. 13. Сеҳр. 14. Имло.

**Шакл атрофида «занжир» ҳолида:** 17. Шаҳрисабз. 18. «Зафарнома». 19. Абай. 20. Йилнома. 21. Арк. 22. Кабиса. 23. Аср. 24. Рустам. 25. Мулк. 26. Кафолат. 27. Транзистор. 28. Раис. 29. Сузиш.

**Муаммонома**

**Очқич сўзлар:** 1. «Лазги». 2. Мис. 3. Кон. 4. Хат.

**Ҳикмат:** Саломатлик — инсоннинг хазинаси.

## «02»: ҲОДИСАЛАР

● Кечки нонуштадан кейин дам олиб ўтирган Бектемир туманида яшовчи М. Ким, хонадонига бехосдан бостириб кирган ниқобли икки кишини кўриб, қўрқувдан қотиб қолди. Улар хонадон эгасига куч ишлатиб, «Сони» русумли видеомагнитофонни 25 дона видеокассеталари билан, «ДЭУ» русумли караоке ўйинини ҳамда 15.000 сўм пулни олиб тезда кўздан ғойиб бўлишди. Лекин, уларнинг ниқоблари ҳам ўйлаганларидек, иш силлиқ кечишига ёрдам беролмади. Ички ишлар идоралари ходимларининг тезкор чора-тадбирлари натижасида «шоввозлардан» бири қўлга олинди. Қизиғи шундаки, у шу маҳалла фуқароси Р. К. бўлиб чиқди. Энди у ниқоб остидаги ўз шериги тўғрисида нима дея оларкин?

● Мирзо Улуғбек туманида истиқомат қилувчи В. Живуцкая ўз хонадонидан алюмин қозони ўғирланганлиги тўғрисида дарҳол «02» хизматига қўнғироқ қилди. Ҳар қандай вазиятда шай ҳолда турувчи милиция ходимлари бу гал ҳам ўғирликни очишга эришдилар. В. М. исмли «ўғри бола» қозони билан биргаликда навбатчи қисмга келтирилди.

● Куппа-кундуз куни Яккасарой туманидаги «Конституция» маҳалласида велосипед ўғирлаб кетилди. Кутилмаганда пиёда қолиб кетган велосипед эгаси Л. Ковальский дарҳол милиция ходимларига хабар берди. Воқеа жойидан «тайёр улов» ёрдамида ҳам узоқроққа кетолмаган андижонлик Р. Х.ни тезкор гуруҳ ходимлари дарҳол тутиб олишди.

● Акмал Икромов туманидаги «Ўрикзор» озиқ-овқат бозорига келган қорақалпоғистонлик тадбиркор аёл У. Ибрагимова сумкасидан 5.200 сўм пулини ўғирлатиб қўйганлиги тўғрисида дарҳол милиция ходимларига хабар қилди. Кўрилган чора-тадбирлар зое кетмади. Аввал ҳам судланиб, тавбасига таянмаган З.И. далилий ашё билан ушланди.

● Чилонзор туманида яшовчи С. Ғофурова уйидан озиқ-овқат маҳсулотларининг ўғирлаб кетилганини билган заҳотиёқ милиция ходимларига сим қоқди. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида жиноятни содир этган шу туман фуқароси Ғ. М. далилий ашёлар билан ушланди.

● Яккасарой тумани, Кунаев кўчасидаги уйлардан бирида лифт бир мунча вақт ишламай қолди. Чунки, унинг тормоз ғалтагини номаълум «техника ихлосмандлари» ўғирлаб кетишди. Тезкор қидирув ҳаракатларидан сўнг ўғрилар С.К. ва В.К. эканлиги аниқланиб далилий ашё билан қўлга олинди.

● Юнусобод туманида истиқомат қилувчи Н. Алимова хонадонида ғалати ўғирлик содир этилди. Дераза ойналарини шоша-пиша синдирганча хонага кирган номаълум шахс, «БК-1500» русумли совутгич ва телефон аппаратини олиб қочган. Аммо анчагина оғир вазнга эга бўлган «ўлжа» ўғрига насиб этмай қолди. Милиция ходимларининг тезкор чора-тадбирлари натижасида қўлга олинган бу ўғри, шу туман фуқароси В. Т. бўлиб чиқди.

**Самариддин ҲАКИМОВ,**
**Тошкент шаҳар ИИББ Матбуот хизматининг жамоатчи мухбири, милиция катта сержанти.**




Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 2668 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 209

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-2907. Босмага топшириш вақти 11.30 Топширилди 1 2 3 4 5 6

## Шарқ дурдоналари

## Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

● Ёмонлик қилган кишидан ўч олиш қўлдан келса ҳам, унинг қилган ёмонлигини кечириш эзгу хулқларнинг кўркамроғидир.

● Бировдан ҳаё, уят кетса, ҳаё ўрнини бало олади.

● Ҳеч бир сабабсиз кулиш нодонлик аломатидир.

● Тўрт нарса тўрт нарсага муҳтож, яъни улуғлик — адабга, шодлик — хотиржамликка, яқинлик — муҳаббатга ва ақл — тажрибага муҳтождир.

● Бир донишманд ўз ўғлига насиҳат қилиб айтади:

— Икки нарсани мендан ол, сенга керак бўлади: биринчиси, нимани сўзламоқчи бўлсанг, ўйламасдан сўзлама, иккинчиси, нима қилмоқчи бўлсанг тадбирсиз қилма.

● Афлотун ҳаким айтади:

— Агар душманинг бирор иши тўғрисида сендан маслаҳат олмоқчи бўлиб ёнингга келса, унга тўғри ва яхши маслаҳат бер. Ёмон маслаҳат бериб ундан ўч олишни асло кўнглингга келтирма. Унинг сендан маслаҳат сўраб келиши сен билан ошно бўлишни истаганидир. Инсонга лойиқ бўлган хайрихоҳлик шудир.

Байт:

**Кимки бўлса хуш чирою хушқилиқ,**
**Доимо кўргай жаҳонда яхшилик.**

● Боболаримиз: «Бировга чоҳ қазисанг, ўзинг йиқиласан» деб бежиз айтмаганлар. Бировга ёмонлик қилган киши тезда жазосини кўради.

ҲИКОЯТ. Қадим замонда ҳасадчи бир бой одамнинг камбағал, лекин ўзининг хулқ-атвори туфайли халқнинг ҳурматига сазовор бўлган қўшниси бор эди. Қўшнисининг халқ қошидаги иззат ва ҳурматини кўролмайдиган ҳасадчи нобакор бой у бечорани ўлдирмоқчи бўлди.

Бир куни ҳалиги қўшни қишлоққа бормоқчи бўлиб отланган эди, ҳасадчи бой дарҳол ҳолва пиширтирди ва унга ўткир заҳар аралаштирди. Кейин иккита нон билан бирга камбағал қўшнисининг қўлига бериб айтди:

— Қўшни, қишлоққа бормоқчи бўлганингизни эшитдим, сизга раҳмим келиб, дарҳол ҳолва пиширтирдим. Иккита нон билан бирга ҳолвани сизга келтирдим, йўлда қорнингиз очиққанда бир ерга ўтириб тановул қиларсиз.

Камбағал қўшни бойнинг келтирган холва билан нонини олди. Қўшни ҳасадчи малъун бойга миннатдорчилик билдириб, йўлга тушди. Ярим йўлга етганда сув бўйида ўтирган икки йигитни кўриб қолди. Бу йигитлар сув бўйида дам олиб ўтирган эдилар.

Камбағал қўшни улар ёнига келди. Йигитларнинг очиққанларини сезиб ҳолва билан иккита нонни уларга тақдим этди. Йигитлар ҳолвани едилару, дарров жон бердилар. Камбағал қўшни бу ҳолни кўриб, ҳайратда қолди. Қолган нон билан ҳолвани олиб орқага қайтди. Дарҳол шаҳар бошлиғига бориб ҳолва билан нонни берди ва бўлган воқеани баён қилди.

Шаҳар бошлиғининг буйруғи билан иккита йигитнинг жасадини келтирдилар. Кейин шаҳар бошлиғи ҳасадчи бойни чақиртириб унга ҳолва, нон ва икки йигитнинг жасадларини кўрсатди. Ҳасадчи бой йигитларнинг жасадларини кўргач, ёқасини йиртиб дод деб йиғлаб ўликлар устига ўзини ташлади. Бу йигитлар ўша нобакор, ҳасадчи бойнинг ўз ўғиллари эдилар. Шундай қилиб, бировга чуқур қазиган бой ўз чуқурига йиқилди.

Байт:

**Ҳар кишиким бировга қазғай чоҳ,**
**Тушгай ул чоҳ аро ўзи ногоҳ.**

ҲИКОЯТ. Ёмон феъл-атворли бир одам олим, фозил одамнинг мажлисида ярамас ва куракда турмайдиган сўзлар сўзлашга киришди. Мажлисда ўтирганлар уни чиқариб юбормоқчи бўлдилар. Фозил киши уларнинг фикрини қабул қилмади, у кишини ёнига олиб, кўп маслаҳат қилди, ёмон ҳаракатлардан тийди.

Эртаси кун у киши олим-фозилнинг ҳузурига келиб, узр айтди. Бундан кейин ножўя иш ва ҳаракатлар қилмасликка ваъда берди. Олим мулойим сўзлар айтиб, унинг узрини қабул қилди. Ҳар ким қилган ишига пушаймон қилиб узр айтса, узрини қабул қилиш лозимдир.

## ТИЛ БИЛГАН — ЭЛ БИЛАДИ

**Кунларнинг бирида бир тилшунос олим кемада сафарга чиқибди. У дарғадан: — Сарфу наҳвни (тилшунослик) биласанми? — деб сўрабди. Дарға бу борада ҳеч нима билмаслигини айтибди. Тилшунос унга жавобан: — Эсиз, ярим умринг бекор ўтибди, — дебди. Шу пайт бўрон туриб кема сувга ғарқ бўла бошлабди. Дарға олимдан: — Сузишни биласанми? — деб сўрабди. Олим сузишни билмас экан. Дарға унга: — Эсиз, бутун умринг зое кетибди, — дебди.**

Бу бир ривоят. Аммо унинг замирида ҳақиқат асослари бор. Чунки киши жамиятда яшар экан, у тил воситасида мулоқот қилади, алоқа аралашувида қатнашади, ўз фикр-мулоҳазаларини, ҳис-туйғу ва истакларини тил орқали етказади. Чиройли сўзлаш, таъсирчан нутқ эгаси бўлиш учун эса тилшунослик билимларидан хабардор бўлиш керак.

Дунёда неча хил тил бор биласизми? Дунёдаги 6 миллиард инсон 2976 хил тилда сўзлашар экан. Шулардан жаҳондаги кўплаб давлатлар ўз давлат тилига эгадир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 4-моддасида ўзбек тилининг давлат тили эканлиги белгилаб қўйилган. Ўзбекистонда 14 миллион халқ шу тилда сўзлашади ва уни ўз она тилим дейди. Бундан ташқари республикамизда 60 дан ортиқ халқ ва элатлар яшайди. Уларнинг тили, урф-одатлари, анъаналари давлат томонидан ҳимоя қилинади.

«Тил билган эл билади», дейди халқимиз. Ўз она тилини яхши билган, уни ҳурмат қилувчи киши ўзга тилни ва халқни эъзозлай билади.

Ривоят қиладиларки, бир куни турк (ўзбек), форс, араб, юнон йўлда кетишаётса, биров уларга бир танга берибди. Улар тангани олиб бозордан егулик харид қилишмоқчи бўлибдилар. Тўртови ўз тилларида истакларини айтибди. Форс «ангур» оламиз деса, араб «эйнаб» дебди, турк (ўзбек) «узум» деса, юнон «стафиль»ни мақтабди. Бу баҳс устига келиб қолган доно киши уларни бозорга олиб бориб айтган нарсаларини кўрсатибди. Тўртовлон ҳам ўз тилларида «узум» деяётган эканлар...

Ўзбек тилига Давлат мақомининг берилиши бу тилимизнинг асрий тушовлардан озод бўлиши, софлиги ва озодлиги, ривожланишига омил бўлди. Истиқлол шарофати билан турли ўқув муассасаларида давлат тили билан бир қаторда турли хорижий тилларнинг ўргатилиши ўша халқлар билан биродарлик муносабатларининг ўрнатилишига замин ва республикамиз тараққиётининг асосий шартларидан биридир.

**Дилдора АБДУЛЛАЕВА,**
**ЎзРФА тил ва адабиёт институти кичик илмий ходими.**

## БЎШ ВАҚТИНГИЗДА

## «Д» ҳарфли бошқотирма

**Ёйлар бўйича:** 1. Доира шаклида тузилган саф. 2. XVIII аср француз файласуф адиби. 3. Ҳарир газлама. 4. Модданинг муайян миқдорини ўлчаш асбоби. 5. Бинокорлик ашёси, тоғ жинси. 6. Яманда пул бирлиги. 7. Хона жиҳози, мебель. 8. Портловчи модда. 9. Алишер Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достони қаҳрамони. 10. Фикр ва мулоҳазани тасдиқловчи асос, исбот. 11. Автомобиль русуми. 12. Ҳиндистондаги йирик кўмир ҳавзаси. 13. Биринчи бўлиб назмий «Шоҳнома» ёзган X аср ўзбек шоири. 14. Ўзбекистондаги шаҳар. 15. Давлатнинг бош идораси. 16. Кишининг ўз қўли билан ёзилган хат. 17. Беморга тиббий ёрдам кўрсатиш. 18. Бангладеш пойтахти. 19. Тутқич. 20. Таомга лаззат берувчи моддалар мажмуи. 21. Автомобилни таъмирлашда фойдаланиладиган асбоб. 22. Итальян мумтоз шоири. 23. Европадаги давлат. 24. Бирор фаолиятга ундаб берилган маслаҳат. 25. Металл, ёғоч ашёларга ишлов беришда ишлатиладиган қурилма. 26. Тоғликдаги ўтиш қулай бўлган жой. 27. Қадимий ёзув анжоми. 28. Машғулотга қатнов ҳисоби. 29. Олиб борилган фаолиятдан олинган наф, фойда. 30. Мевали дарахтнинг «онаси». 31. Беморга дорини белгиланган қабул қилиш меъёри. 32. Сенегал давлати пойтахти.

**Муаммонома**

**Очқич сўзлар:** 1. Мусулмон оламининг буюк муҳаддиси таърифини олган ватандошимиз — 14, 2, 9, 5, 18, 3, 10.

2. Ўзбек шоири Чустий достони — 20, 3, 10, 3, 20, 4, 5, 11, 7.

3. Узун оёқли қушлар туркумининг қарқаралар оиласига мансуб парранда — 16, 7, 19, 19, 2, 6.

4. Марказий Осиёдаги тарихий вилоят — 13, 15, 8, 17.

5. Манзарали ўсимлик — 12, 2, 1.

Энди шакл атрофидаги рақамларни очқич жавоблари асосида ҳарфлар билан алмаштириб муаммономани ҳал этинг. Улардан ҳикматли сўз ва унинг муаллифи бўлган ўрта аср алломасининг исм шарифини билиб оласиз.

**Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ**



**Газетанинг шу йил 12 октябрда берилган бошқотирманинг жавоблари:**

**Белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида:** 2. Юнусобод. 4. Ҳаваскор. 5. «Дилҳирож». 8. Усмонова. 9. Ҳайдаров. 12. Мажлисий. 15. Деҳлавий. 16. Бурхонов.

**Ёйлар бўйича:** 1. Далв. 3. Сули. 6. Сато. 7. Лавҳ. 10. Амал. 11. Асад. 13. Сеҳр. 14. Имло.

**Шакл атрофида «занжир» ҳолида:** 17. Шаҳрисабз. 18. «Зафарнома». 19. Абай. 20. Йилнома. 21. Арк. 22. Кабиса. 23. Аср. 24. Рустам. 25. Мулк. 26. Кафолат. 27. Транзистор. 28. Раис. 29. Сузиш.

**Муаммонома**

**Очқич сўзлар:** 1. «Лазги». 2. Мис. 3. Кон. 4. Хат.

**Ҳикмат:** Саломатлик — инсоннинг хазинаси.

## «02»: ҲОДИСАЛАР

● Кечки нонуштадан кейин дам олиб ўтирган Бектемир туманида яшовчи М. Ким, хонадонига бехосдан бостириб кирган ниқобли икки кишини кўриб, қўрқувдан қотиб қолди. Улар хонадон эгасига куч ишлатиб, «Сони» русумли видеомагнитофонни 25 дона видеокассеталари билан, «ДЭУ» русумли караоке ўйинини ҳамда 15.000 сўм пулни олиб тезда кўздан ғойиб бўлишди. Лекин, уларнинг ниқоблари ҳам ўйлаганларидек, иш силлиқ кечишига ёрдам беролмади. Ички ишлар идоралари ходимларининг тезкор чора-тадбирлари натижасида «шоввозлардан» бири қўлга олинди. Қизиғи шундаки, у шу маҳалла фуқароси Р. К. бўлиб чиқди. Энди у ниқоб остидаги ўз шериги тўғрисида нима дея оларкин?

● Мирзо Улуғбек туманида истиқомат қилувчи В. Живуцкая ўз хонадонидан алюмин қозони ўғирланганлиги тўғрисида дарҳол «02» хизматига қўнғироқ қилди. Ҳар қандай вазиятда шай ҳолда турувчи милиция ходимлари бу гал ҳам ўғирликни очишга эришдилар. В. М. исмли «ўғри бола» қозони билан биргаликда навбатчи қисмга келтирилди.

● Куппа-кундуз куни Яккасарой туманидаги «Конституция» маҳалласида велосипед ўғирлаб кетилди. Кутилмаганда пиёда қолиб кетган велосипед эгаси Л. Ковальский дарҳол милиция ходимларига хабар берди. Воқеа жойидан «тайёр улов» ёрдамида ҳам узоқроққа кетолмаган андижонлик Р. Х.ни тезкор гуруҳ ходимлари дарҳол тутиб олишди.

● Акмал Икромов туманидаги «Ўрикзор» озиқ-овқат бозорига келган қорақалпоғистонлик тадбиркор аёл У. Ибрагимова сумкасидан 5.200 сўм пулини ўғирлатиб қўйганлиги тўғрисида дарҳол милиция ходимларига хабар қилди. Кўрилган чора-тадбирлар зое кетмади. Аввал ҳам судланиб, тавбасига таянмаган З.И. далилий ашё билан ушланди.

● Чилонзор туманида яшовчи С. Ғофурова уйидан озиқ-овқат маҳсулотларининг ўғирлаб кетилганини билган заҳотиёқ милиция ходимларига сим қоқди. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида жиноятни содир этган шу туман фуқароси Ғ. М. далилий ашёлар билан ушланди.

● Яккасарой тумани, Кунаев кўчасидаги уйлардан бирида лифт бир мунча вақт ишламай қолди. Чунки, унинг тормоз ғалтагини номаълум «техника ихлосмандлари» ўғирлаб кетишди. Тезкор қидирув ҳаракатларидан сўнг ўғрилар С.К. ва В.К. эканлиги аниқланиб далилий ашё билан қўлга олинди.

● Юнусобод туманида истиқомат қилувчи Н. Алимова хонадонида ғалати ўғирлик содир этилди. Дераза ойналарини шоша-пиша синдирганча хонага кирган номаълум шахс, «БК-1500» русумли совутгич ва телефон аппаратини олиб қочган. Аммо анчагина оғир вазнга эга бўлган «ўлжа» ўғрига насиб этмай қолди. Милиция ходимларининг тезкор чора-тадбирлари натижасида қўлга олинган бу ўғри, шу туман фуқароси В. Т. бўлиб чиқди.

**Самариддин ҲАКИМОВ,**
**Тошкент шаҳар ИИББ Матбуот хизматининг жамоатчи мухбири, милиция катта сержанти.**



Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 2668 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 209

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-2907. Босмага топшириш вақти 11.30 Топширилди 1 2 3 4 5 6